Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2011 йил 6 апрель, № 67 (5234) Чоршанба

ТОШКЕНТДА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН НАВБАТДАГИ «ЕВРОПА ИТТИФОҚИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ» УЧРАШУВИГА ДОИР

Тошкент шаҳрида 2011 йил 7 апрель куни ташқи ишлар вазирлари даражасида навбатдаги "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" учрашуви бўлиб ўтади.

Учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари делегацияларига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Элёр Ганиев, Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Казакбаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳамрохон Зарифий, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Константин Жигалов раҳбарлик қилади.

Европа Иттифоқи томонидан Венгрия ташқи ишлар вазири (Европа Иттифоқига раислик қилаётган мамлакат сифатида) Янош Мартони, Европа Иттифоқининг ривожланиш бўйича комиссари Андрис Пиебалгс ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пьер Морель иштирок этади.

Учрашув чоғида Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан Янги шериклик стратегиясини амалга ошириш доирасида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболларига доир, савдо-иқтисодий алоқалар ҳамда энергетика, атроф-муҳит, сув ресурсларидан фойдаланиш, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш ва наркотрафикка қарши курашиш соҳасида минтақавий ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, Афғонистондаги вазият ҳамда минтақавий хавфсизликка оид томонларни қизиқтирган бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Ўзбекистон Республикасининг мамлакатда демократик жамият асосларини мустаҳкамлаш ва халқаро майдондаги мавқеини янада кучайтириш борасида изчил амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсати доирасида хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли икки томонлама алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ана шундай ҳамкор ташкилотлар сирасига Европа Иттифоқини ҳам киритиш мумкин. Зеро, мамлакатимиз билан мазкур ташкилот ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва маданий-инсонпарварлик алоқалари ҳамда минтақавий ва экологик хавфсизликни таъминлаш каби масалалар устувор йўналишлардандир.

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан муносабатлари асоси 1992 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Европа Ҳамжамиятлари комиссияси (ЕҲК) ўртасида Ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши орқали яратилди. 1994 йил 16 ноябрда томонлар ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.

1996 йил апрель ойида Европа Иттифоқи Комиссари Х. Ван ден Брук Ўзбекистонга ташриф буюрди ва мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинди.

1996 йил июнь ойида Европа Иттифоқининг Флоренцияда бўлиб ўтган давлат раҳбарлари даражасидаги саммити чоғида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида ўзаро сиёсий мулоқот йўлга қўйилиб, Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи алоқаларининг ҳар томонлама ривожланишида муҳим ҳуқуқий пойдевор яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил ноябрда Бельгияга амалга оширган расмий ташрифи доирасида Европа Иттифоқи Комиссари Ж. Сантер ва Европарламент раиси К. Хэнш билан учрашувлар ўтказилди.

2010 йилнинг 15 — 16 ноябрь кунлари Европа Иттифоқининг ривожланиш бўйича комиссари А. Пиебалгс расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ташриф асносида у Президент Ислом Каримов билан музокаралар ўтказди.

2011 йил 24 январда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Брюсселга амалга оширган расмий ташрифи томонлар ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ташриф чоғида Европа Иттифоқи Ўзбекистон Республикаси билан турли соҳаларда тенг ва ўзаро шерикликка асосланган ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини намойиш этди.

Ташриф доирасида Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Ж. М. Баррозо ва Европа Иттифоқининг энергетика бўйича комиссари Г. Эттингер билан музокаралар ўтказилди.

Музокаралар чоғида Европа Иттифоқи Комиссияси раҳбари Ўзбекистоннинг дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган иқтисодий ўсиш суръатларига алоҳида урғу берди. Шунингдек, у 2010 йил 12 ноябрда Президент Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" Европада катта қизиқиш билан қарши олинганини қайд этди.

Европа Иттифоқи Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув манбаларидан фойдаланиш борасида прагматик ёндашув тарафдори бўлиб, манфаатдор томонларнинг сув ва энергетика масалаларида ўзаро ҳамжиҳатликда ҳамкорлик қилиш бўйича экологик мувозанатни сақлаш ҳамда трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланишга доир барқарор ва ошкора механизмларни ишлаб чиқишини қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда).

САНОАТИМИЗНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

Кеча Тошкент шаҳридаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида умумжаҳон саноат ҳафталиги мақомини олган "Industrial Expo Uzbekistan — 2011" халқаро кўргазмаси иш бошлади. У ўзида саноатнинг энергетика, кимё, машинасозлик, кончилик сингари етакчи тармоқларига ихтисослаштирилган кўргазмаларни қамраб олгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Халқаро кўргазма

Шу боис еттинчи бор ўтказилаётган мазкур тадбирга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Жорий йилда иштирокчи компаниялар сони аввалги йиллардагига нисбатан кўпайгани шундан далолат беради, албатта.

Халқаро тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниялари, "Ўзстандарт" агентлиги, Табиатни муҳофаза қилиш, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмиталари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида "ZarExpo" кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида барқарор иқтисодий ривожланишга эришилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози исканжасига тушиб қолган айрим давлатлар унинг асоратларини бартараф этолмаётган мураккаб бир шароитда бизда барча тармоқлар, хусусан, саноатда жадал ўсиш суръатлари таъминланаётгани, айниқса, қувонарлидир. 2010 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз ўсгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Соҳа мутахассислари қўлга киритилаётган бундай муваффақиятларни юртимизда қулай инвестициявий муҳит яратилгани, саноат корхоналари модернизация қилинаётгани пировардида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон бераётгани билан изоҳлашмоқда. Бу, ўз навбатида, ташқи бозорга чиқиш имкониятини ҳам кенгайтираётир. Натижада чет эллик инвесторлар ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ишончли ҳамкор сифатида иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш пайидан бўлишмоқда. Бундай фикрларни кўргазма қатнашчиларининг ҳар биридан эшитиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2011 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижалари ва галдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йил биринчи чорагида Комплекс бўйича жами 712,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 119,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 309,8 миллиард сўмлик (109,5 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 36,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки чорак режасига нисбатан 155,8 фоизга бажарилди.

Йиғилишда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг эгаллаган мутахассисликлари бўйича бандлигини таъминлаш, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши доирасида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, интерактив давлат хизматлари кўрсатишни яхшилаш, матбаа корхоналари томонидан 2011 йил учун режалаштирилган ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг бажарилишини таъминлаш, фармацевтика соҳасини ривожлантиришда хусусий тадбиркорлик истиқболлари, болалар спорти соҳасидаги тадбирларни

(Давоми 2-бетда).

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАСИГА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида қайд этилганидек, фақат кейинги ўн йилнинг ўзида юртимизда босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Юртимизда интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги глобаллашув жараёнида бошқа соҳалар каби ОАВ (босма, электрон) соҳасининг ҳам ахборот маконида ахборотга бўлган талаб ва ушбу талабни тезкорлик билан қаноатлантиришга хизмат қилувчи қоидалар асосида қуриладиган "ахборот бозорида" ўз ўрнига эга бўлиши, ривож топиши унинг олдида турган энг асосий вазифа ҳисобланади. Бундай шароитда фақат иқтисодий жиҳатдан мустақил ва мустаҳкам бўлган оммавий ахборот воситасигина ўз мавқеини сақлаб қолиши, бу соҳа рақобатига дош бера олиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИДАН МАҚСАД – ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, босқичма-босқич ва изчил ислоҳ қилиш, биринчи навбатда, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ҳамда либераллаштиришнинг муҳим устувор йўналишларидандир. Пойтахтимизда "Судларнинг ихтисослашуви ва низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини жорий этиш" мавзуида ўтказилган Ўзбекистон — Германия илмий-амалий семинарида шу ҳақида сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси ҳамда Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармасининг минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Олий суд ва Олий хўжалик суди судьялари, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Адвокатлар палатаси, Ҳакамлик судлари ассоциацияси вакиллари, шунингдек, суд ишини юритиш ва низоларни муқобил ҳал этиш бўйича халқаро экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев тадбирни очар экан, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади ва вазифаси инсоннинг қонуний ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат эканини таъкидлади. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган — суд ҳокимиятини, судларнинг мустақиллигини босқичма-босқич мустаҳкамлаш ва, умуман, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар янги босқичининг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Семинарда сўзга чиққан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Иштван Венцель инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган қонунларнинг қабул қилиниши ва уларнинг амалда рўёбга чиқарилиши демократик ривожланишнинг муҳим омили эканини таъкидлади. Ўзбекистонда судларнинг ихтисослашувини бошлаб берган янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганига ўн йилдан ошди. Мазкур Қонун судларнинг ўз фаолиятини юқори профессионал даражада амалга ошириши ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишида муҳим омил бўлмоқда. Бу Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Миллий қонунчилигимизнинг мунтазам такомиллашиб бораётгани суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. 2001 йилда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга хизмат қилмоқда. Суд ишларини юритишнинг барча босқичларида томонлар тенглигини таъминлаш мақсадида қонунчиликка адвокатура институтини янада мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги янада либераллаштирилмоқда, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилиб, уларнинг аксарияти ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Фуқароларнинг суд орқали ҳимоя-ланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди. Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши бутун дунёда кенг жамоатчиликнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлган ўта муҳим воқеа бўлди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши эса мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асоси бўлган қонун устуворлиги тамойилига қатъий риоя қилинаётганининг яна бир тасдиғидир.

Судларнинг ихтисослаштирилиши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида муҳим қадам бўлиб, бу, ўз навбатида, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судлар ташкил қилинди, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётгани эътиборга олинган ҳолда хўжалик судларининг фаолияти кучайтирилди. Низоларни ҳал этишнинг муқобил механизмлари амалиётга татбиқ этилди. Мамлакатимизда 2001 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келаётган ярашув институти ва 2006 йилда қабул қилинган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташкил этилган ҳакамлик судлари шундай механизмлардан ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ташриф давомида Ўзбекистонда Европа Иттифоқи Делегациясини таъсис этиш тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида Энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда Европа Иттифоқи комиссиясининг 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган техник ёрдам кўрсатиш бўйича индикатив лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Ташриф якунларига кўра айтиш мумкинки, у Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларнинг улкан салоҳиятини очишда кенг имкониятлар яратади ҳамда устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун юқори технологияларни етказиб бериш, инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш орқали Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар ва тизимли ўзгаришлар жараёнида иштирок этишга тайёр эканини кўрсатади.

Ўзаро муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси юқорида таъкидланган икки томонлама ҳужжатлар билан бир қаторда Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда Атом энергиясидан тинч мақсадда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни ҳам ўз ичига олади.

Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи муносабатларини мувофиқлаштирувчи бешта қўшма муассаса фаолият юритиб келмоқда. Яъни Ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкорлик қўмитаси, Парламентлараро ҳамкорлик қўмитаси, Савдо ва инвестициялар бўйича ёрдамчи қўмита, Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа масалалар бўйича ёрдамчи қўмита шулар жумласидандир.

Мазкур муассасаларнинг вазифалари тегишли соҳалар бўйича муносабатларнинг амалдаги ҳолатини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш, уларни янада ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Европа Иттифоқидаги ички сиёсий вазият билан боғлиқ масалалар, Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ҳар иккала томоннинг манфаатларига мос келадиган халқаро масалалар бўйича фикр алмашишдан иборат.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шериги бўлиб, мамлакатимизнинг ташқи савдо алоқаларида иккинчи ўринни эгаллайди. 2010 йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажми 1965,0 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан, экспорт — 547,8 миллион АҚШ доллари, импорт — 1418,0 миллион АҚШ долларидан иборат бўлди. Ўзаро товар айланмаси ҳажми 2009 йилдаги кўрсаткич билан қиёслаганда, 1,2 фоизга ўсди. Шу билан бирга, икки томонлама савдо-сотиқни кенгайтириш учун ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият мавжуд.

Юртимизда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардан келган шериклар иштирокида 821 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 612 таси қўшма корхона бўлиб, 209 таси 100 фоизлик Европа маблағи асосида иш олиб бораётир. Ўзбекистон Европа Иттифоқи томонидан хорижий мамлакатлар учун яратилган энг кўп қулайлик тизимидан фойдаланиш имкониятига эга давлатлар қаторига киради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга кўмаклашиш мақсадида Европа Иттифоқи 1992 йилдан буён республикамизда Европа Ҳамжамиятлари комиссиясининг техникавий ёрдам лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон мазкур ҳамкорлик доирасида Европа Иттифоқининг чегаралар хавфсизлигини таъминлашга ихтисослаштирилган БОМКА, наркотик моддаларга қарши курашга йўналтирилган КАДАП, транспорт масалалари бўйича ихтисослаштирилган ТРАСЕКА, энергетика масалалари бўйича ИНОГЕЙТ каби минтақавий дастурларида, шунингдек, таълим йўналишидаги ТЕМПУС ва илм-фан йўналишидаги Еттинчи доиравий дастури каби ихтисослаштирилган лойиҳаларида фаол иштирок этаяпти.

Европа Иттифоқи ташаббуси билан 2004 йилда ташкил топган "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" минтақалараро мулоқоти доирасида ташқи ишлар вазирлари даражасида тўртта учрашув ўтказилди. Уларда 2007 йил 21 июнда Брюсселда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари томонидан тасдиқланган "Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: янги шериклик стратегияси" (Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга оид стратегияси) номли концептуал ҳужжатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжатнинг тақдимоти 2007 йил 30 июнь куни Берлинда ўтказилди. Шунингдек, Париж ва Брюсселда "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" ташқи ишлар вазирлари даражасидаги форумлар ташкиллаштирилиб, уларда минтақалараро ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва геосиёсий аҳамияти, барқарорлиги ҳамда сўнгги йилларда эришган иқтисодий тараққиётининг юқори суръатини инобатга олган ҳолда, Европа Иттифоқи ушбу Стратегияни тўлақонли амалга оширишда мамлакатимизга минтақадаги ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қарайди.

2011 — 2013 йиллар мобайнида Европа Ҳамжамиятлари комиссияси юртимиз ҳамда бутун минтақага қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларни, икки томонлама савдо-сотиқ, кичик ва ўрта бизнес, энергетика, атроф-муҳит, фан ва таълим каби соҳаларни ривожлантириш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, чегаралар ва божхона хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда кўмак беришни режалаштирмоқда.

2011 йил 7 апрель куни ташқи ишлар вазирлари даражасида Тошкентда ўтказиладиган "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" учрашуви Европа Иттифоқи ва Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақалараро сиёсий мулоқотни янада жадаллаштириш ва мустаҳкамлаш жараёнида навбатдаги муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Унда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича янги стратегиясининг бугунги кунгача бўлган ҳолати, минтақа давлатлари ҳамда Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг истиқболлари ва бошқа бир қатор ўзаро манфаатли долзарб масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилмоқда.

«Жаҳон» АА.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИДАН МАҚСАД – ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, низони суддан ташқари тартибда, холис воситачи кўмагида томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал этиш усули бўлган ва низоларни бартараф қилишда муроса йўлини топиш имконини берадиган медиация ҳам фуқаролик жамиятини шакллантириш тамойилларига мос келади. Яраштирув ва воситачилик усуллари халқимизнинг кўп асрлик анъана ва урф-одатларига мос бўлиб, азалдан маҳаллаларда қўлланиб келинган. Бугунги кунда ушбу воситалар мамлакатимизни демократик ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда аниқ ҳуқуқий асосга эга бўлмоқда.

Семинарда, шунингдек, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш жараёнини янада ривожлантиришни, ҳокимиятнинг суд тармоқлари мустақиллигини таъминлашни тақозо этиши алоҳида таъкидланди. Президентимиз шу мақсадда амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир пухта ўйланган қатор таклиф ва қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Улар "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, суднинг холислиги, бетарафлигини таъминлаш механизмини янада ривожлантириш, суд жараёнида ўзаро тортишув принципини кучайтириш, жиноий қонунчиликни либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган. Семинарда хорижий экспертлар таъкидлаганидек, мазкур комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг барча жабҳалардаги кенг қўламли демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан қатъий боришига хизмат қилади.

Қонун устуворлиги тамойилига риоя қилиш ҳар қандай давлатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади, деди ГФРнинг собиқ федерал адлия вазири, адвокат Херта Дойблер Гмелин. У ўз чиқишида Ўзбекистонда ҳам ГФРдаги каби суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислоҳотлар амалга оширилганини таъкидлади. Чунончи, судларнинг ихтисослашуви ва уларнинг мустақиллигини таъминлаш ишларнинг янада сифатли ва адолатли кўриб чиқилишига кўмаклашади. Ўзбекистонда ушбу соҳани янада такомиллаштириш учун жамиятни демократлаштириш мақсадида ташкил этилган механизмларнинг иш самарадорлигини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қонун устуворлиги таъминланаётган давлатда бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёзади, деди Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Вульф Лапиннс. Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига тўла мосдир. Суд ишларини кўриб чиқиш мустақиллиги ва холислигини таъминлаш демократияни шакллантиришнинг муҳим омилидир.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги муттасил кенгайиб бормоқда, деб таъкидлади Европа Уйи ва Европа Комиссиясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Пьер-Поль Антуниссенс. Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги қонунчилиги мунтазам такомиллаштирилиб, халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштирилмоқда. Низоларни ҳал этишнинг муқобил услубларини, жумладан, яраштирув институтининг амалиётга жорий этилгани бунинг яққол далилидир. Ўзбекистонда МДҲнинг бошқа давлатларидан анча илгари судлар ихтисослашуви амалга оширилди. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, шунингдек, «Хабеас корпус» институтининг жорий этилгани муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш тажрибаси бошқа мамлакатлар учун ҳам жуда фойдали бўлиши мумкин.

Семинар давомида иштирокчилар Ўзбекистон ва Германияда судларни ихтисослаштириш, яраштирув институти ва медиацияни қўллаш борасида ўзаро тажриба алмашди, ушбу институтларни такомиллаштиришга доир қатор масалаларни муҳокама қилди. Хорижлик экспертлар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан қатъият билан бораётганининг ёрқин ифодаси эканини алоҳида таъкидладилар.

Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар тажрибаси инобатга олинган ҳолда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси ташаббуси билан "Аҳоли жамғармалари мобилизацияси" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси, республикамиздаги барча тижорат банклари, кредит ташкилотлари ва Германия молия муассасалари мутахассислари иштирок этди.

Семинар

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда банк-молия тизимининг ислоҳ қилиниши, улар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг такомиллаштирилиши натижасида банкларимиз барқарор ривожланиб бораётир. Уларнинг аксарияти "Moodys", "Fitch ratings", "Standard & Poors" сингари етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юқори баҳоларига сазовор бўлаётгани ана шундан далолат беради. Бу, ўз навбатида, банкларнинг кредит салоҳиятини ошириш ва иқтисодиётимизни ривожлантириш баробарида, аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаяпти.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори, айниқса, ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Негаки, мазкур қарорда молия муассасалари зиммасига шу давр ичида аҳоли ва хўжалик субъектлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, депозитларнинг янги турларини мунтазам жорий қилиш, уларнинг ҳажмини 2,5 баробарга кўпайтиришдек масъулиятли вазифа юклатилган. Шу боис республикамиз банкларида аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, уларни ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилишга, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, айни пайтда молия муассасалари томонидан аҳоли учун қулай, манфаатли ва кафолатли бўлган 400 дан зиёд омонат турлари тақдим этилмоқда.

Тадбирда Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси экспертлари республикамизда бу борада олиб борилаётган ишларни юқори баҳолаб, ўз маърузаларида Германия молия ташкилотларининг аҳолига кўрсатаётган хизматлари, аҳолининг ёшига қараб ишлаб чиқилган омонат турлари, шунингдек, оила бюджетини самарали ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар хусусида маълумотлар бердилар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Қарши шаҳрида "Ўзбекистонда 2010 йилда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳияти" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Саидаҳрор Ғуломов, Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали профессор-ўқитувчилари ҳамда магистрантлари, вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Анжуман

Тадбирда республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳияти, ушбу ислоҳотларнинг 2010 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги бўйича якунлари таҳлил этилиб, Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларга асосий эътибор қаратилди. Унда сўзга чиққанлар, шунингдек, Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарининг бугунги кундаги аҳамияти, ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг йиғилишида кўрилган масалалар, Юртбошимизнинг БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи ҳамда 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти ҳақида тўхталдилар.

Анжуманда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини амалга ошириш, жаҳон иқтисодиёти, дунё аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари, глобал экологик муаммоларни бартараф этиш, табиатни асраб-авайлаш, илм-фанда, инновацион лойиҳалар, ижтимоий-гуманитар фанлар ва маънавият соҳасида туб бурилиш ясаш зарурлиги чуқур таҳлилий далиллар билан асослаб берилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАСИГА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ – ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давр ўтиши билан ОАВнинг ҳам шакли, ҳам мазмуни ўзгариб борар экан, уларни иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, ҳимоя қилиш механизми ҳам такомиллашиши табиий. Шундай экан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир". Концепциядаги ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан, ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ОАВга қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш таклиф этилди.

Қонун лойиҳасининг оммавий ахборот воситалари соҳасига оид бозор механизмлари "ахборотга бўлган талаб ва уни қаноатлантирадиган ахборот-таклиф мувозанати"ни, яъни тезкор, аниқ ва холис ахборотни етказишда энг юксак технологиялар асосида аҳолини керакли ахборот билан таъминлаши ҳамда натижада, манфаатдорликни, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатларини қамраб олиши билан эътиборга моликдир.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йилнинг 27 январида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасида қайд этилганидек, оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим. Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий механизмларни яратиш масалалари долзарб ўрин эгаллайди. Соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш газета ва журналлар таҳририятларининг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш билан бирга, уларнинг масъулиятини ҳам оширишни кўзда тутади.

Айтиш лозимки, тезкор ахборот асрида ахборотни зудлик билан етказишга асосланган ахборот-коммуникация воситалари шиддат билан ривожланиб бораётган бир шароитда кучли ҳуқуқий ҳимоя механизмини яратиш, бу жараёнда энг ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, ОАВнинг иқтисодий манфаатини ҳимоя қилишни кафолатлашга, уларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш зарур. Бу ОАВ фаолияти самарадорлигини ошириши, мазкур соҳа субъектлари учун қўшимча иқтисодий имтиёзлар (преференциялар) бериши, соҳага бозор механизмларини жорий этиши ва соғлом рақобат муҳитини яратиши, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаши билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Мазкур ҳуқуқий асослар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ОАВни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиб, келгусида жамоатчиликни холис, ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлашга, демократик принциплар ҳамда соғлом рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти таркибида ОАВ ҳам ўз ўрнига эга бўлишга зарур шарт-шароитларни яратади.

Шу маънода, қонун лойиҳасида ОАВ фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда давлатнинг ўрни ва роли (кўмаги)ни, ОАВнинг мулкдори тушунчасини янада аниқроқ ҳамда қатъий нормалар асосида ёритиб беришни, мулкдор ҳуқуқ ва мажбуриятларини, таҳририятларнинг тадбиркорлик фаолиятини, ОАВнинг юридик шахс сифатида ташкил этилиш шаклини белгилаб беришни, молиявий жиҳатдан таъминланиш манбаларини, мулкдор ва (ёки) мулкдорлар улушини, бу борада ҳомийлик ёрдамлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган даромадлар маблағларини жалб қилиш ва фойдаланиш, ОАВ маҳсулотларини тарқатиш, ходимларга ҳақ (қўшимча ҳақ) тўлаш тартибини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ нормаларни назарда тутиш даркор.

Шунингдек, қонун лойиҳасида соҳада кадрларнинг ижодий фаолиятини амалга оширишда ижтимоий ҳимоялаш масаласи ҳам белгиланиши айни муддаодир. Бу йўналишда ходимлар иш ҳақини белгилашда ижодий характери, интеллектуал меҳнат самарадорлиги, фаолиятнинг иқтисодий-ижтимоий муҳимлигини инобатга олган ҳолда қонуний тартибга солиш муҳимдир. Айни пайтда, бугунги кунга қадар мавжуд бўлмаган ОАВ фаолиятини тўхтатиш, тугатиш, қайта ташкил этиш борасидаги муносабатларни тартибга солувчи алоҳида нормаларни аниқлаб қўйиш зарурдир. Бинобарин, бундай ҳолат ОАВни айнан юридик шахс сифатида тугатиш ёки ОАВ томонидан чиқарилаётган нашр, кўрсатув ва бошқаларни, яъни бу соҳа маҳсулотининг ўзигагина татбиқ этиш лозимми, деган тушунмовчиликларнинг олдини олади.

Н. МУРОТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мамлакатимиз Президенти томонидан қўйилаётган талаблар даражасида амалга ошириш, маҳалла, даҳа ва микротуманларда болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш, ёшларни оммавий спортга жалб этиш кўламини кенгайтириш, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, уларни юқори малакали кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2011 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини сўзсиз амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

САНОАТИМИЗНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу галги кўргазма ишида республикамиз саноатчилари билан бир қаторда, Украина, Россия, Германия, Австрия, Литва, Финляндия, Бирлашган Араб Амирликлари, Канада сингари давлатларнинг етакчи компаниялари ҳам ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этаётир. Тадбир доирасида илк бор Эрон саноатчиларининг тақдимоти ўтказилиши эса барча қатнашчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

— Кўргазмада нафақат ўз маҳсулотларимизни намойиш этиш, балки юртингиз саноатида тўпланган бой тажриба ва унинг илғор ютуқлари билан яқиндан танишишга муяссар бўлаяпмиз, — дейди эронлик тадбиркор Маҳмуд Иброҳими. — Бизнинг компаниямиз паррандачиликка ихтисослаштирилган бўлиб, кунига 700 тонна парҳез гўшт тайёрлаш қувватига эга. Бундан ташқари, наслдор жўжалар ҳам етиштирамиз. Мазкур тадбирда, асосан, паррандачилик маҳсулотларини тез тайёрлаш технологияларини таклиф этаяпмиз. Бу технологияларга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳида эътиборини кўриб, кўплаб шартномалар тузиш ва келишувларга эришиш мумкинлигини тушуниб етдик.

Кўргазманинг барча йўналишлари учун ажратилган жойлар одамлар билан гавжум. Сабаби, бу ерда кимё, энергетика, машинасозлик, тоғ-кон саноати учун замонавий ускуналар, лаборатория жиҳозлари, чиқиндини қайта ишлаш технологиялари билан яқиндан танишиш, айни чоғда келишувларга эришиш учун зарур шарт-шароит муҳайё қилинган. Шу боис кўп тармоқли тадбирнинг ишчан руҳда ўтиши кутилаяпти.

Халқаро кўргазма эртага ҳам ўз ишини давом эттиради.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Яхши хабар

Чирчиқ шаҳрида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган аскарларни иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Ёш мутахассислар иш бошлади

Шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда ҳудуддаги 56 та корхона ва ташкилот 460 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази иштирокида 203 нафар фуқаро шу куннинг ўзидаёқ ихтисосликлари бўйича ишга жойлашди.

Гайрат ШЕРАЛИЕВ.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Франциялик қидирувчилар 2009 йил июнь ойида Атлантика океани устида ҳалокатга учраган “А-330” самолётининг қолдиқларини топишди.

Қидирув натижаси

Ушанда ҳаво лайнери Рио-де-Жанейро шаҳридан Париж сари парвозни амалга ошираётганди. Фалокат туфайли 228 йўловчи ҳамда экипаж аъзоларининг барчаси ҳаётдан кўз юмган.

Қурбонларнинг яқинлари шу кунларда “қора қути” топилиши ва бахтсизлик сабаби аниқланишидан умидворлар.

Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли

Конго Демократик Республикаси пойтахти Киншаса шаҳри аэропортида самолёт ҳалокатга учради. Оқибатда 32 киши қурбон бўлди, деб хабар берди “Франс-пресс” ахборот агентлиги.

Ҳаво транспорти воситаси охирги марта ўтган йили декабрь ойида техник кўрикдан ўтказилганда, учишга ҳар томонлама яроқли, деб топилганди. Тахминларга кўра, воқеа ноқулай об-ҳаво шароити туфайли содир бўлган.

Ўрмон ёнғинлари давом этмоқда

АҚШнинг Колорадо штатида ўрмон ёнғинлари давом этмоқда.

“Рейтер” ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, “тилсиз ёв” 800 гектар майдонни қамраб олган. Бир нечта иншоотлар вайрон бўлган. Кучли шамол офат миқёсини янада кенгайтириш хавфини вужудга келтирмоқда. 200 та ўт ўчириш бўлимлари оловга қарши кураш олиб бораётган бўлса-да, ҳозиргача сезиларли натижалар кўзга ташланмаяпти. Бахтсиз ҳодиса яқинидаги 336 хонадонда истиқомат қилувчи аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.

Янги русум тақдимоти яқин

Франциянинг “Пежо” компанияси ўзининг яна бир янги русуми ҳақидаги маълумотлар билан таништирди.

Ушбу автомобилнинг илк намунаси яқин кунлар ичида Шанхайда бўлиб ўтадиган моторшоуда омма эътиборига ҳавола этилади.

“Пежо 208” номини олган мазкур транспорт воситаси уч цилиндрли двигателга эга бўлиб, гибрид автомобиль ҳисобланади. Кўринишидан кичкина ҳамда енгил. “Бугунги кун талабларига ҳар томонлама мос”, деб эътироф этилаётган “темир тулпор” 2013 йилдан бошлаб сотувга чиқарилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Иқтисодиёт тараққиётида электр энергиясининг ўрни катта. Шу боис республикамизда энергетика тизимини ривожлантириш мақсадида мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Жараён

“Қорақалпоқ электр тармоқлари” очиқ акциядорлик жамияти жамоаси томонидан амалга оширилаётган ишлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Жамият тасарруфидаги электр узаткичлари, 90 та нимстанция, 4028 та 0,4/10 кВтли трансформатор истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кун иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи олдига қатор талабларни қўяётгани барчамизга маълум. “Қорақалпоқ электр тармоқлари” ОАЖ ҳам шулардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётгани эътиборга лойиқдир. Бошқача айтганда, ташкилот замонавий, сифатли ва тежамкор технологиялар имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиб келаётгани, янги объектларни қуриш, мавжудларини модернизациялаш жараёнларида фаол экани бунинг ёрқин далилидир. Масалан, ўтган йили турли кучланишдаги ҳаво линиялари, 493 та трансформатор, 2 та 110 кВтли ва 39 та тармоқ трансформатори капитал таъмирланди. Бундан ташқари, 24,4 километр узунликдаги ҳаво линияси ва умумий қуввати 800 кВтли 5 та трансформатор янгидан қурилди. Жойларга электр энергиясини етказиб беришга хизмат қилувчи СК-22 русумидаги устунларнинг нуқсони борлари алмаштирилиб, қишлоқлардаги 10 километрлик 0,4-6-10 кВтли ҳаво линиялари реконструкция қилинди. Бу эса шаҳару қишлоқ аҳлининг замон талабларига мос хизматдан бирдек баҳраманд бўлиш имкониятини ошираётгани, шубҳасиз. Шу маънода айтадиган бўлсак, Тахтакўпир туманидаги Ешимбектол овули аҳолисини электр энергияси билан таъминлаш учун 10 кВтли ҳаво линияси ва қуввати 160 кВтга тенг трансформатор қурилиб, фойдаланишга топширилди. Беруний туманида эса умумий қуввати 4000 кВа бўлган нимстанциялар ишга туширилди. Буларнинг бари, ўз навбатида, қиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш имконини берди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил 3 августда қабул қилинган “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, намунавий лойиҳалар асосида бири-биридан кўркам тураржойлар қурилмоқда. Уларни электрлаштириш ишларига жамият аҳли ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда кичик кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш дастури ҳақида”ги қарорига асосан, жорий йилда жамият томонидан 11,8 километрлик электр узатувчи линиялар ўтказилиши ҳамда 6 та трансформатор барпо этилиши лозим. Қолаверса, электр етказиб берувчи тармоқлар ҳамда 8 та трансформатор таъмирдан чиқарилади. Шу билан бирга, мукаммал таъмирлаш ишлари давом эттирилиб, бунинг учун 1 миллиард 12 миллион сўм маблағ йўналтирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, “Қорақалпоқ электр тармоқлари” очиқ акциядорлик жамияти жамоаси бундан кейин ҳам ташкилотлар ва аҳоли хонадонларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш учун бор куч-ғайратини сарфлайверади.

Ҳ. ШАМШИЕВА.

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг ҳудудий вилоят филиаллари

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Наманган вилояти филиалининг аукцион савдосига суд ижрочилари Наманган шаҳар бўлими томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2010 йил 26 августдаги 16-1003/10148-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Наманган тумани, «Ирвадон» ҚФЙ, «Ўрта Ровустон» МФЙда жойлашган, «1-Наманганиркурилиш» ШКга қарашли, қурилиш ости ер майдони 520,18 кв.м., фойдаланиш умумий ер майдони 4817,55 кв.м. бўлган маъмурий бино ва иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 73 233 088 сўм.

2. Наманган тумани, «Ирвадон» ҚФЙ, «Ўрта Ровустон» МФЙда жойлашган, «1-Наманганиркурилиш» ШКга қарашли, қурилиш ости ер майдони 2682,45 кв.м., фойдаланиш умумий ер майдони 7382,45 кв.м. бўлган омборхона бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 103 642 060 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 4 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Шунингдек, 2011 йил 20 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Уйчи тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Наманган шаҳар судининг 2010 йил 18 мартдаги 1/197-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Уйчи тумани, «Жийдакапа» ҚФЙ, «Деҳқон» МФЙ ҳудудида жойлашган, фойдали майдони 641,2 кв.м. бўлган 26 та хонали 1 қаватли идора ва фойдали майдони 299,4 кв.м. бўлган 17 та хонали 2 қаватли идорадан иборат бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО: 00223, СТИР: 200933850.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй (4-қават).
Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.

II. РКМБ Навоий вилояти филиалининг аукцион савдосига Кармана тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. ФИБ Кармана тумани судининг 2010 йил 20 сентябрдаги 1-6400-сонли ижро ҳужжатига асосан, фуқаро Д. Фармоновадан хатланган, Кармана деҳқон бозорида жойлашган, фойдали майдони 12,45 кв.м., умумий майдони 12,741 кв.м. бўлган 13, 14, 15, 16, 17-сонли В-литерли дўконлар.

Бошланғич баҳоси — 106 248 000 сўм.

2. Навоий вилояти хўжалик судининг 2010 йил 4 августдаги 21-1002/4243-сонли ижро ҳужжатига асосан, «MEF INVEST NAVOIY» МЧЖдан хатланган, Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган иссиқхона ускуна ва жиҳозлари.

Бошланғич баҳоси — 541 528,72 АҚШ доллари.

Тўлов миллий валюта — сўмда Марказий банкнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.

Аукцион савдоси 2011 йил 5 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига!

Мазкур мулклар 2011 йил 5 майдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2011 йил 25 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Навоий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452458, МФО: 00205, СТИР: 200933850.

Манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй, ДМҚ Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси биносининг 1-қавати.
Телефонлар: (8-436) 224-15-61. 224-64-31.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

4709/404

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

аҳолининг алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакатимиз иқтисодиётини бошқариш ва тинчлиги учун хизмат қилаётган магистраль алоқа линиялари тармоғи муҳофазасини таъминлашингизни сўрайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ:

- магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан: рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларини кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш; магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, **алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган** ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.



Эсда тутинг! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефонлари:

Биринчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси, Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй	(8-371) 234-20-11, 235-36-59
Биринчи линия кабель цехи, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй	(8-371) 265-80-43, 155-27-20
Иккинчи линия кабель цехи, Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй	168-72-86, 370-38-52
Тошкент шаҳар кабель участкаси, Хуштепа 4-тор к., 4-уй	(8-371) 250-37-45, 370-38-53
Пахта кабель участкаси, Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй	798-84-05
Учинчи линия кабель цехи, Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй	168-48-51, 183-23-41 (8-370) 76-21-306, 76-21-121,
Ангрен шаҳар кабель участкаси, Амир Темур к., 2-уй	183-23-46, (8-370) 662-27-61
Бекобод шаҳар кабель участкаси, Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А»	177-06-64, (8-370) 912-54-11
Иккинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси, Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй	(8-373) 552-24-71
Иккинчи кабель участкаси, Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй	(8-373) 612-23-66
Учинчи кабель участкаси, Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора	(8-369) 225-08-82
Тўртинчи кабель участкаси, Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй	(8-374) 222-23-81
Бешинчи кабель участкаси, Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй	(8-373) 529-24-55
Учинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси, Гулистон ш., Дўстлик кўрғони	(8-367) 227-16-20
Кабель участкаси, Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи	(8-367) 357-28-98, 57-34-36
Иккинчи линия техник цехи, Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй	(8-367) 272-30-28, 272-30-24, 232-10-17
Учинчи линия техник цехи, Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй	(8-372) 226-22-07, 277-05-27
Кабель участкаси, Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи	(8-372) 382-10-06, 47-01-19
Тўртинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси, Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй	(8-366) 233-52-60
Бешинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси, Бухоро ш., Фиждувон к., 69-уй	(8-365) 223-38-37
Линия кабель цехи, Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй	(8-365) 228-53-22, 228-51-45
Олтинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси, Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй	(8-361) 222-37-07, 222-00-43, 354-10-24
Кабель участкаси, Тўрткўл ш., туман телекоммуникация боғламаси	(8-361) 532-30-60, ички 1-42, 354-10-26
Кабель участкаси, Беруний ш., туман телекоммуникация боғламаси	(8-361) 524-30-60, ички 1-38, 354-10-25
Еттинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси, Термиз ш., Гагарин к., 32-уй	(8-376) 223-13-92
16-линия техник цехи, Денов ш., Темиров к., 4-уй	(8-376) 227-37-62
Саккизинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси, Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй	(8-375) 221-02-41, 221-17-25
15-линия техник цехи, Гузор ш., Гузор к.,15-уй	(8-375) 55-22-1-67
Тўққизинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси, Урганч ш., Дўсов к., 2-уй	(8-362) 226-36-58, 226-36-33
Ўнинчи Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси, Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй	(8-436) 224-75-21
Иккинчи кабель участкаси, Каттақўрғон ш.,Чағаноқ қишлоғи	(8-366) 455-24-54
Учинчи кабель участкаси, Фиждувон ш., Говшон қишлоғи	(8-365) 572-14-75
Тўртинчи кабель участкаси, Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони	(8-436) 593-09-35

112R/90

MDIS Tashkent
Management Development Institute of Singapore

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

2011/2012 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАРНИ ВА ОТА-ОНАЛАРНИ

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»ГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

9 апрель
соат 10.00 дан 17.00 гача

Магистратура
- Менежмент: маркетинг
- Менежмент: банк иши ва молия

Бакалавриат
- Саноат менежменти
- Бизнес ва маркетинг
- Банк иши ва молия
- Ахборот технологиялари
- Тадбиркорлик ва бошқарув
- Ҳисоб ва молия
- Туризм

Инглиз тили тайёрлов курслари
- Кўпбосқичли инглиз тили
- Академик инглиз тили IELTS тизими бўйича
- Интенсив инглиз тили

Омадли келажакка биз билан эришинг!

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28-уй.
Тел.: (8-371) 271-77-00.

Хизматлар лицензияланган.

448R/389

“Росагропромснаб” МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- **УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**
- **5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари**



Маҳсулот сертификатланган.

Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, “Ц” даҳаси, 6-уй (мўлжал — “Шухрат” дўкони жойлашган чорраҳа)

1797/788

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

«Farg'ona charm polimer» МЧЖ

ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги маҳсулотларни сотади:

- ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан бўлган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарматторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

Маҳсулот сертификатланган.

Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-373) 222-37-91.
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб. (+99897) 782-25-64.
E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru

1508/123

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Сифат” маркази жамоаси Қашқадарё ҳудудий лабораторияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Муҳиддин Жалиловга падари бузруквори **РАҲМАТ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбекфильм” киностудияси жамоаси актёр Абдухалил Мингнаровга фарзанди **Отабек МИНГНАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЗИЁГА ОШУФТА ҚАЛБЛАР

Ёш авлоднинг маънан етук, интеллектуал салоҳияти юксак инсон бўлиб камолга етишида устоз — шогирд анъанаси беқиёс аҳамият касб этади. Масалан, Тошкент маданият коллежи ўқувчиларини олайлик. Улар бугун маҳоратли устоз-мураббийлар кўмаги билан миллий қадриятларимизга дахлдор санъат турлари ҳамда замонавий йўналишдаги қатор мутахассисликлар бўйича кенг тушунча ва тасаввурга эга бўлмоқдалар.

Таълим даргоҳида халқ ижодиёти, ижтимоий-маданий фаолият, ахборотлаштириш ва кутубхоначилик, техноген санъат йўналишларида ўндан ортиқ ихтисосликлар бўйича сабоқ берилади. Бу ерда айни пайтда минг нафардан зиёд ўқувчи таълим олаётир. Ёшларга Коммуна Исмоилова, Деҳқонбой Ҳусанов, Гулшода Отабоева, Табассум Мўминова, Абдуқаҳҳор Жалилов, Абдусалом Муталов сингари маҳоратли санъаткор ва педагоглар устозлик қилишмоқда.

— Ўқувчиларимизнинг истеъдодли, интилувчан, билимга чанқоқ эканликлари бизни хурсанд қилади, — дейди коллеж директори Илҳом Деҳқонов. — Табиийки, бундай ёшларга таълим беришда уларнинг қизиқишларига жиддий эътибор қаратиш лозим. Ўқувчиларимизнинг мантиқий фикрлаш доираси, ижодий тасаввури ниҳоятда кенг. Дарс машғулотларининг қизиқарли баҳс-мунозара ва ижодий ёндашувларга бой бўлиши улар учун ниҳоятда муҳимдир. Шу боис коллежда қўшимча дарс соатларини ташкил этиш, амалий машғулотларда юртимизнинг таниқли санъат ва маданият намояндалари, юксак малакали мутахассислар иштирокини таъминлаш,

Таълим

ўқувчиларнинг ахборот-ресурс манбаларидан фойдаланишлари учун қулай имкониятлар яратишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Коллежга истеъдодли ёшларни жалб қилишда Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик марказ билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги асқотмоқда. Ушбу марказда лаёқат ва иқтидори малакали мутахассислар томонидан аниқланган ва шунга мувофиқ равишда тавсиялар олган ёшлар коллежга келгач, ўзларига мос йўналишни танлаб, қизиқиш билан билим олишаяпти.

— Бу ерда ахборот-ресурс маркази мутахассислиги бўйича таҳсил олаяпман, — дейди Дурдона Маҳмудхонова. — Бугунги кунда кутубхоначилик бутунлай янги касбга айланганлиги боис шу йўналишда таълим олиб, малакали мутахассис бўлишни ният қилганман. Назарий билимларни мустаҳкамлашимиз учун коллежда қулай шароитлар яратилган. Компьютерда янги дастурлар ишлаб чиқиш, кутубхонанинг электрон ресурслар базасини бойитиш, китобхоннинг жаҳон маълумотлар тармоғидан фойдаланишига кўмаклашиш, янги турдаги каталоглар билан ишлаш борасида билим ва кўникмаларга эга бўлишимизда амалий машғулотлар жуда катта ёрдам бераяпти.

Таълим масканида ҳукм сурган муҳит бу ердаги ёшларнинг илмга муносабат, маънавий тарбия, одоб-ахлоқ борасида намунали феъл-атворга эга эканликларини англатиб турибди. Зеро, ўқувчиларнинг кийиниши, юришторуиши, дарсдаги иштироки — бари-бари чинакам маданиятли шахсга хос белгиларни намоён этганлиги эътиборлидир. Бу ёшларнинг билимли, зиёли ва истеъдодли киши эл орасида ҳамиша юксак эҳтиромга сазовор эканлигини теран англашлари янада қувонарли.

Муборак ОХУНОВА.

СУРАТДА: Тошкент маданият коллежи ҳаётидан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мерос

Жиззах вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази томонидан 300 дан зиёд ҳудудий фольклор куй-қўшиқларни ўз ичига олган фонотека ташкил қилинди.

Халқона қўшиқлар эъзозда

Номоддий бойликларни асраб-авайлаш, уларни рўйхатга олиш, архивлаштириш мақсадида ташкил этилган ушбу фонотекада аудио-видео тасмалар, ноталаштирилган асарлар сақланмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу ерда вилоят фольклор жамоалари фаолиятидан ҳикоя қилувчи “Тоғларни жаранглатган қўшиқлар”, “Мовий тоғлар қўшиғи”, “Буюк карвон йўли оҳанглари” деб номланган буклетлар ҳам тайёрланди. Бу эса миллий қадриятларимиз даражасига кўтарилган куй-қўшиқларимиз тарғиботида муҳим восита бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

О. БУРҲОНОВА.

Спорт ● Sport ● Спорт

МАТОНАТ, ИРОДА, ШИЖОАТ

2010 йилнинг декабрь ойида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида имконияти чекланган спортчилар ўртасида ўтказилган X Параосиё ўйинларида мамлакатимиз терма жамоаси сафидан ўрин олган бухоролик тўрт нафар спортчи юртимизга медаллар билан қайтиб келган эди.

Чунончи, Алишер Усмонов 800 метр масофага югуришда матонат ва шижоат кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади. Дзюдочи Шариф Халилов 73 килограмм вазнда кумуш, Ҳасан Қосимов эса бронза медали соҳиби бўлди.

— Параосиё ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қилдик, — дейди мазкур нуфузли мусобақанинг яна бир иштирокчиси, Бухоро давлат университети талабаси Бекзод Хўжаев. — Биз енгил атлетика бўйича жамоавий баҳсларда бронза медалига сазовор бўлдик. Мусобақада кучсиз рақиб йўқ эди. Айниқса, Хитой, Жанубий Корея, Японияда келган спортчилар Параосиё ўйинларига пухта ҳозирлик кўришган экан.

Табиийки, спортда юқори натижаларга ўз-ўзидан эришилмайди. Паралимпиадачилар қўлга киритаётган ютуқлар замирида имконияти чекланган болаларни спортга жалб этиш, улар соғлиғини тиклаш ва бу тоифадагилар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдек кенг қамровли ишлар ётибди.

— Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга бениҳоя катта эътибор қаратилаяпти, — дейди Ўзбекистон Паралимпия ассоциацияси Бухоро вилояти бўлими раҳбари Бобур Каримов. — Бу эътибор ва ғамхўрликни имконияти чекланган спортчиларимиз ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб туришибди. Биз турли мусобақалар орқали ёш истеъдодларни саралаб бораяпмиз. Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Параосиё ўйинлари бу борадаги имкониятларимиз катта эканини кўрсатди. Шу ўринда бир далил келтирмоқчиман. Ҳозирга қадар вилоятимизда истиқомат қилувчи минг нафар атрофидаги жисмоний имконияти чекланган ўғил-қиз ассоциациямиз томонидан ташкил этилган турли турнирларда қатнашиб, маҳоратларини оширишди. Гуанчжоудан совриндор бўлиб қайтган ёшларимиз ҳам дастлаб шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда тобланишган.

— Бухоро шаҳридаги 24-махсус кўзи ожиз болалар мактаб-интернатида ўқиганман, — дейди Бекзод Хўжаев. — Енгил атлетика билан шу ерда шуғуллана бошлаганман. Бундан икки йил муқаддам АҚШда ногирон спортчилар ўртасида ўтказилган Бутунжаҳон ёшлари ва талабалари ўйинларида бронза медалини қўлга киритгандим. Мақсадим, 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган Паралимпиадада иштирок этиш.

Имконияти чекланган спортчилар учун “Бухоро” мажмуасида барча шарт-шароит яратилган. Улар олти нафар малакали мураббий қўл остида машғулотлар ўтказишаяпти. Саломатликлари тажрибали шифокорлар назоратида. Матонат, шижоат кўрсатаётган, кучли ирода эгаси бўлган бундай ёшлар ҳали кўплаб чўққиларни забт этишлари тайин.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фестиваль

Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган Бухоро маданий марказида “Қадриятларни қадрлаймиз!” шиори остида вилоят ёшлари фестивали бўлиб ўтди.

«ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАДРЛАЙМИЗ!»

“Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбир доирасида “Миллий ўйинлар”, “Наврўз дастурхони”, “Наврўз — менинг нигоҳимда” деб номланган расмлар танловлари ўтказилди. Ёш ҳунарманд ва тадбиркорлар кўргазмаси, баҳор таомлари сайли эса иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўн мингдан зиёд ўғил-қиз қатнашган мазкур тадбир якунида танловлар ғолиблари тақдирланди.

И. ИСТАМОВ.

* * *

Урганч шаҳридаги Амир Темур номли истироҳат боғида ҳам ана шундай шиор остида фестиваль ўтказилди.

Ёшлар қалбида миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат туйғуларини қарор топтириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбир миллий ўйинлар фестивали билан бошланди.

Фестиваль доирасида ўтказилган “Варраклар сайли”, “Ҳар бир ёшга — 20 ниҳол” акцияси каби ранг-баранг маданий-маърифий тадбирлар иштирокчиларга завқ улашди. Тадбир якунида кўрик-танловлар ғолиблари, фаол иштирокчилар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

О. ЖУМАНИЁЗОВ.

ASAKA BANK

«Асака» банки:

«2011 йилнинг энг яхши лойиҳаси»

танлови ғолиблари эълон қилинди.

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки 2011 йил республикамизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланганлиги муносабати билан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги «Йилнинг энг яхши лойиҳаси» бўйича танлов эълон қилган эди. Танлов шартлари барча оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб борилди. Унда қатнашиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан кўплаб аризалар келиб тушди. Тузилган ишчи гуруҳи аъзолари томонидан барча аризалар диққат билан ўрганиб чиқилди. Танлов якунларига кўра, қуйидагилар ғолиб деб топилди:

1-ўрин —

«Асака» банкининг Самарқанд вилояти филиали мижози бўлмиш

«Maroqand Parranda» МЧЖ *лойиҳаси;*

2-ўрин —

«Асака» банкининг Наманган вилояти филиали мижози бўлмиш

«Fahir Tekstil Savdo» МЧЖ *лойиҳаси;*

3-ўрин —

«Асака» банкининг «Автотранспорт» филиали мижози бўлмиш

«Safo Tibbiyot» МЧЖ *лойиҳаси.*

Танлов ғолиблари имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

4738/10

«Олтин водий» биринчилиги

Ёшлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича ўтказилаётган анъанавий “Олтин водий” биринчилигининг жорий йилги мусобақаларига Наманган шаҳри мезбонлик қилди.

Вилоят марказидаги бадиий гимнастика залида бўлиб ўтган мазкур баҳсларда мамлакатимизнинг 6 вилоятидан ташриф буюрган 87 нафар спортчи иштирок этди. Улар ушбу спорт турининг беш йўналиши бўйича беллашиб, ўзларининг кучли, чаққон ва маҳорат эгаси эканликларини намойиш этишди. Мусобақалар якунида Бухоро вилояти жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Хоразм ва Наманган вилоятлари вакилларига насиб этди. Ғолибларга олтин, кумуш ва бронза медаллари ҳамда ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар қувончи

Қўрғонтепа туманидаги Савай қишлоғида жойлашган спорт мактаби тасарруфидаги зал мукаммал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу ерда “Ихтисослашган водий бунёдкори” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари 114 миллион 467 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Шунингдек, мазкур спорт зали 6 миллион 120 минг сўмлик анжомлар ҳамда жиҳозлар билан таъминланди. Натижада бу ерда таълим олаётган 120 нафар ўсмирнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча имконият яратилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДАРМОНДОРИ КЎКАТЛАР

Киши эрта баҳорда танга қувват бўлувчи турли дармондориларга эҳтиёж сезади. Аслида баҳор энг шифобахш фаслдир. Кўкатлар ниш уриб, дошқозонда сумалаклар пиширилишининг ўзиёқ буни англатиб туради.

Баҳор неъматлари

Маълумки, ўсимликлар таркибида хилма-хил витаминлар, оқсил, эфир мойлари, темир, фосфор, кальций каби биологик фаол моддалар бор. Масалан, ҳаммамиз севиб истеъмол қиладиган кўксомсани олайлик. Исмалоқ, жағ-жағ, ялпиз сингари баҳорий неъматлардан тайёрланадиган бу таом соғлиғимиз учун жуда ҳам фойдали. Хусусан, исмалоқ камқонлик, асаб хасталиклари, ўпка ва йўталга даво, сафро ҳайдовчи восита, парҳезда энг керакли таомлардан биридир. У С, В1, В3, В6, РР, К, Е витаминларига ниҳоятда бой. Улар организмнинг темир, йод, фосфор, калий, кальций, магний каби моддаларни ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этади. Ўт ҳайдовчи дори сифатида исмалоқнинг қайнатмасидан фойдаланган маъқул. Таом сифатида эса уни бошқа кўкатли овқатларга қўшиб истеъмол қилиш тавсия этилади.

Кўксомсаю чучварани янада хушхўр қилувчи кўкат — бу жағжаг (очамбити)дир. У қон тўхтатиш хусусиятига эга. Меъда, ўпка ва бурундан қон кетгудек бўлса, жағжагдан дамлама тайёрлаб ичилади. Қолаверса, у қон босимини туширириб, ичак фаолиятини яхшилар экан.

Шифобахш ялпизни эса Абу Али ибн Сино қуйидагича таърифлайди: “Бир неча кунгача уни еб, кетидан сузма зардоби ичиб турилса, қон томирлари кенгаяди... Унинг ширасиси қовуқдаги қуртларни ўлдиради”.

Ялпизни анжир билан истеъмол қилиш кўкракдаги ёпишқоқ хилтларни ҳам ҳайдайди. Ялпизнинг ёввойиси иштаҳа камлигида, меъда заифлигида, ҳиқичоқ тутганда наф келтиради. Бундан ташқари, ушбу кўкат қайнатмаси тиш оғриғи, оғиз қақраши, милк яллиғланишини даволашда ҳам ишлатилади. Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган мураббо қуёнчиққа, ўсимлик ширасиси эса сариқ касаллигида фойдали ҳисобланади. Чунки у эфир мойлари, органик кислоталар, С витамини, рамноза, глюкоза, рутин моддалари ва минерал тузларга тўйинган гиёҳдир.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

ОБ-ҲАВО

(6 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 5-10 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 2-7 даража, кундузи эса 12-17 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 3-5 даража илиқ, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5